

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ЎРАЗМАТОВ НАСИБЖОН НАЗИРОВИЧ

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИНИНГ ЎТЛОҚИ СОЗ ТУПРОҚЛАРИ
ШАРОИТИДА ҒЎЗА НАВЛАРИ ҲОСИЛДОРЛИГИГА
АГРОТЕХНОЛОГИЯ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ**

06.01.01-Умумий дехқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2018

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of
agricultural sciences**

Ўразматов Насибжон Назирович

Фарғона вилоятининг ўтлоқи соз тупроқлари шароитида ғўза навлари
хосилдорлигига агротехнологиялар элементларининг таъсири..... 3

Уразматов Насибжон Назирович

Влияние агротехнологических элементов на урожайность хлопчатника в
условиях лугово-сазовых почв Ферганской области..... 21

Urazmatov Nasibjon Nazirovich

The effect of agrotechnological elements on cotton productivity in conditions of the
meadow loamy soils of the fergana province..... 40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 44

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ЎРАЗМАТОВ НАСИБЖОН НАЗИРОВИЧ

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИНИНГ ЎТЛОҚИ СОЗ ТУПРОҚЛАРИ
ШАРОИТИДА ҒЎЗА НАВЛАРИ ҲОСИЛДОРЛИГИГА
АГРОТЕХНОЛОГИЯ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ**

06.01.01-Умумий дехқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2018

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Qx86 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида (ПСУЕАИТИ) бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.cottonagro.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyo.net манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Халиков Баҳодир Мейликович,**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Телляев Рихсивой Шомахамадович,**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Ниязалиев Бегали Ирисолиевич,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти

Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг «__» _____ 2018 йил соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: g.selek@qsxv.uz

Фалсафа доктори (PhD) диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Ж.Тешаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
қ.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, қ.х.ф.н., катта илмий ходим

Ж.Х.Ахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё пахтачилигида асосий йўналишлардан бири истиқболли агротехнологияларни жорий қилиш ҳисобига юқори ва сифатли пахта ҳосил олишга қаратилган. Дунёнинг 84 та мамлакатада 33 млн. гектарда экилаётган ғўза навларини доимий янгиланиб бориши ҳамда толанинг технологик сифат кўрсаткичларига аҳамият берган ҳолда ғўза экиб парваришланмоқда ва ҳар йили 25 млн.тоннага яқин ҳосил олинмоқда. Шунингдек, тупроқ унумдорлигини оширишда такрорий экинлардан соя 92 млн. гектар майдонга экилиб ўртача дон ҳосилдорлиги 12-13 ц/га ни ташкил этади¹.

Дунё қишлоқ хўжалиги амалиётида сўнгги йилларда деҳқончиликда экинларини биологик хусусиятларини эътиборга олиб, тупроқ ва иқлим шароитига мос агротехнологияларини қўллаш туфайли тупроқ экологиясини яхшиловчи ва муҳофаза қилувчи ресурстежамкор илғор технологияларни кенг жорий этиш натижасида, ерларнинг унумдорлик хусусиятлари яхшиланиши, экинлардан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда ёқилғи-мойлаш материалларининг маъдан ўғитларни тежалиши, кузги ғалладан бўшаган майдонларда такрорий экин (соя, ловия, мош, нўхат, кўк нўхат, ясмик, бурчок)лар экиб парваришлаб, сўнгра пахта етиштиришда ишлаб чиқариш таннархининг камайишига эришилмоқда.

Республикамизда кейинги йилларда тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларини алмашлаб экиш орқали ғўзанинг янги навларини тупроқ-иқлим шароитларига мос етиштириш агротехнологиялари ишлаб чиқиш орқали тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва ғалладан бўшаган майдонларда такрорий ва оралик экинлар етиштиришни кенг йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 3.3. бандида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада оширишга қаратилган» муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган. Шунинг билан бир қаторда, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишда такрорий экинлардан кейин, турли тупроқ иқлим шароитида янги ғўза навларидан юқори ҳосил олиш учун мақбул кўчат қалинлиги, маъдан ўғитлар меъёри ва суғориш тартибларини белгилаш ҳамда амалиётга кенг жорий этиш бўйича илмий-тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2832-сонли «2017-2021 йилларда Республикада соя экини экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3281 сонли «2018 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинларни оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ хўжалик

¹ <http://agro.uz/uz/services/recommendations>; <http://parliament.gov.uz>; <https://tadbirkor-fermer.uz>

махсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари тўғрисида»ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 февралдаги 105-сонли «Республикада соя етиштириш ҳажмларини янада кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ғўза навларининг мақбул кўчат қалинлиги, суғориш тартиблари ва ўғит меъерларини ўрганиш бўйича республикада бир қатор олимлар, жумладан Қ.Мирзажонов, А.Имомалиев, Ш.Нурматов, Ш.Тешаев, Р.Назаров, А.Авлиёкулов, Н.Ибрагимов, Б.Ниязалиев, Б.Комилов, Ф.Хасановалар, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишда асосий ҳамда такрорий экинларни алмашлаб экиш бўйича Е.Горелов, Р.Орипов, Б.Халиков, Р.Телляев, Н.Ўразматов, А.Иминов ва бошқалар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Аммо, сўнгги йилларда Фарғона вилоятининг ўтлоқи соз тупроқлар шароитида такрорий экинлардан кейин янги ғўза навларини (Андижон-36, Султон) парваришlashда маъдан ўғитларга (азот, фосфор, калий) бўлган талаби, агрофизик, сув-физик ҳамда агрохимёвий хоссаларига боғлиқ ҳолда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, юқори ва сифатли ҳосил етиштириш бўйича илмий изланишлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-7-093 «Мамлакатимизнинг турли иқлими, тупроғи, мелиоратив, гидрогеологик шароитларида янги истиқболли ва районлаштирилган ўрта толали ғўза навларини парваришlash агротадбирлари тизимини илмий асосlash ва амалиётга жорий этиш» (2008-2010 йй), ҚХА-7-025-III «Фарғона вилояти тупроқ-иқлим шароитида суғориладиган ердан унумли фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва қайта тикlash ҳамда экинлар ҳосилдорлигини ошириш мақсадида пахтачилик мажмуидаги экинларни алмашлаб ва навбатлаб экиш тизимларини ишлаб чиқиш» (2008-2010 йй) мавзусидаги илмий амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Фарғона вилоятининг ўтлоқи соз тупроқлари шароитида кузги буғдой ҳамда такрорий экин соядан кейин экилган «Андижон-36» ва «Султон» ғўза навларини парваришlashда мақбул кўчат қалинлиги, маъдан ўғитлар меъери ва суғориш тартибларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўтлоқи соз тупроқлар шароитида кузги буғдой ва такрорий экин соядан кейин қолган анғиз ва илдиз қолдиқлари ҳамда улар таркибидаги озика моддалар миқдорини аниқлаш;

кузги буғдой ва такрорий экин соядан кейин экилган янги ғўза навлари кўчат қалинлигига, суғориш ва озиклантириш тартибларига боғлиқ ҳолда тупроқнинг агрофизикавий, сув-физик ва агрохимёвий хоссаларига таъсирини аниқлаш;

кузги буғдой ва такрорий экин соядан кейин экилган янги ғўза навлари кўчат қалинлигига, суғориш ва озиклантириш тартибларига боғлиқ ҳолда чигитлар униб чиқиши, ўсиб ривожланиши, вилт касаллиги билан зарарланишини ўрганиш;

кузги буғдой ва такрорий экин соядан кейин экилган янги ғўза навлари пахта ҳосилдорлиги ва тола сифат кўрсаткичларини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти бўлиб ўтлоқи соз тупроқ, буғдойнинг «Краснодар-99», соянинг «Дўстлик», ғўзанинг «Андижон-36» ва «Султон» навлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида кузги буғдой ва такрорий экин соядан кейин ғўзани парваришлаш агротехникаси, тупроқнинг агрохимёвий, агрофизикавий ва сув-физик хоссалари, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги, сифат кўрсаткичлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари Дала тажрибаларини жойлаштириш, ҳисоблашлар ва кузатишлар «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» услубий қўлланмалари асосида олиб борилган. Олинган натижаларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ва Б.А.Доспехов услубий қўлланмаси ҳамда иқтисодий самарадорлик Н.А.Баранов усули асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ўтлоқи соз тупроқлар шароитида интенсив навбатлаб экишнинг 1:1 тизимида кузги буғдой ва такрорий экин соядан кейин «Андижон-36» ва «Султон» ғўза навларини парваришлаш агротехнологияси элементлари такомиллаштирилган;

кузги буғдой ва такрорий экилган соя тупроқнинг агрофизикавий, сув-физик ҳамда агрохимёвий хоссаларига таъсири ва кейинги йил ғўзани парваришлашда азотли ўғитлар тежаш имконияти аниқланган;

ғўзанинг «Андижон-36» ва «Султон» навларини парваришлашда мақбул кўчат қалинлиги, маъдан ўғитларни қўллаш меъёри, суғориш тартиблари ҳамда ҳосилдорлиги ўтлоқи соз тупроқлар шароитида кузги буғдойдан сўнг такрорий экин соя экилган майдонлардаги ҳолати аниқланган;

кузги буғдой ва такрорий экин соя экилган майдонларда ғўза навларини вилт касаллиги билан зарарланиши, қўлланилган агротехнологиялар асосида касалликка чидамлилиги ошиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари Фарғона вилоятининг кучсиз шўрланган, ўтлоқи соз тупроқлар шароитида қисқа навбатлаб экиш 1:1 тизимида янги экилаётган ғўза навларини етиштиришда кузги буғдойдан кейин қолган анғиз ва илдиз қолдиқлари таркибида азот миқдори 23,6 кг/га, ушбу далага такрорий соя экилганда эса 42,6 кг/га, жами тупроқда 66,2 кг/га биологик азот тўпланиб, кейинги экин ғўзани парваришlashда бериладиган азотли ўғитлар миқдорини 25-30 фоиз иқтисод қилинишига эришилган.

Ғўза навларини вилт касали билан зарарланиши “Андижон-36” ғўза нави буғдойдан кейин 8,0 %, соядан кейин эса 6,0 %, “Султон” ғўза навида эса 8,0-10,0 % га етганлиги, “Андижон-36” ғўза нави “Султон” ғўза навида нисбатан 1,5-2,0 % га кам чалинганлиги аниқланган.

Янги ғўза навларини парваришlashда мақбул кўчат қалинлиги 90-95 минг туп/га, маъдан ўғитлар меъёри N-150, P-105, K-75 кг/га ҳамда “Андижон-36” ғўза навида ЧДНСга нисбатан 65-70-60 % (0-3-1) тартибида 4 марта ва “Султон” ғўза навида ЧДНСга нисбатан 70-75-60 % (1-3-1) тартибида 5 марта мавсумий суғоришлар ҳисобланиб, ўртача уч йилда “Андижон-36” ғўза навидан 43,5 ц/га, “Султон” ғўза навидан эса 42,0 ц/га пахта ҳосили олинган ва юқори иқтисодий самарадорликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларида фойдаланган ҳолда математик-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларни амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажриба натижаларини маҳаллий ва чет эл илмий тадқиқотлари билан таққосланганлиги, олинган маълумотлар мутахассислар томонидан ижобий баҳолангани ва тадқиқот натижалари янги ғўза навларини етиштириш агротехнологиялари ишлаб чиқариш шароитида кенг жорий этилганлиги, Республика ва Халқаро илмий конференцияларда маърузалар қилинганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотлар натижаларининг илмий аҳамияти қисқа навбатлаб экишнинг 1:1 тизимида кузги буғдой ва такрорий экин соядан кейин экилаётган янги ғўза навларини (Андижон-36, Султон) парваришlashда мақбул суғориш тартиблари, кўчат қалинлиги белгиланган ҳамда маъдан ўғитларни қўллаш меъёрларини тежаш орқали юқори ҳосил олиш илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Кузги буғдой ва такрорий экин соядан кейин янги экилаётган ғўза навларини парваришlashда юқори ҳосил (42,0-43,5 ц/га) етиштиришни таъминлайдиган агротехник тадбирларининг (кўчат қалинлиги 90-95 минг туп/га, N-150, P-105, K-75 кг/га, суғориш ЧДНСга нисбатан 65-70-60; 70-75-60 %) элементлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўтлоқи соз тупроқлар шароитида тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигини оширишда агротехнология элементларининг мақбул меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

ғўзани парваришлашда агротехнология элементларини такомиллаштириш бўйича «Фарғона вилояти шароитида янги ва истиқболли ғўза навларини етиштириш агротехнологияси элементлари» тавсияномаси ишлаб чиқилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 24 январдаги 07/20-91-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияномани амалиётга қўллаш натижасида ғўза навларидан гектаридан 3-4 центнер кўшимча пахта ҳосили олишга эришилган;

қиска ротацияли алмашлаб экишнинг ғалла:соя:ғўза тизимида ғўзанинг «Андижон-36» навини кузги буғдой ва такрорий экин соядан кейин етиштириш агротехнологияси Фарғона вилоятининг Бувайда ва Боғдод туманлари фермер хўжаликларида жами 900 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 24 январдаги 07/20-91-сон маълумотномаси). Ғўзани «Андижон-36» навини етиштиришда гектарига 90-95 минг туп/га кўчат қолдириб, минерал ўғитларни N-150, P-105, K-75 кг/га меъёрда, қўллаш ва суғоришни 0-3-1 тартибда олиб бориш натижасида рентабеллик даражаси 18 фоизни ташкил этган;

Фарғона вилоятининг ўтлоқи соз тупроқлар шароитида ғўзани «Султон» ғўза навидан юқори ва сифатли ҳосил олиш агротехнологиялари 2010-2012 йилларда Қува, Тошлоқ ва Риштон туманларида жами 3,1 минг гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 24 январдаги 07/20-91-сон маълумотномаси). Бунда ғўза навларини гектарига 90-95 минг туп кўчат қолдириб, минерал ўғитларни N-150, P-105, K-75 кг/га меъёрда, суғоришни 1-3-1 тартибда олиб борилиши натижасида рентабеллик даражаси 21 фоизга ошишга эришилган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Дала тажрибалари ЎзҚХИИЧМ ва ПСУЕАЙТИ томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, ҳисоботлар институтнинг илмий ва услубий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари Республика ва Халқаро илмий анжуманларда 8 марта маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий мақола чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари, инновацион ривожланишнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган,

тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Тупроқ унумдорлигининг асосий омиллари ва манбалари; ғўзани озиқлантириш меъёрлари, суғориш тартиблари ҳамда кўчат қалинликлари бўйича олиб борилган маҳаллий ва хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган, тадқиқотлар натижалари хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқот мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, Республиканинг суғориб деҳқончилик қилинаётган ерларида экиб келинаётган ғўза навларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда тупроқнинг унумдорлиги агрофизикавий ва агрохимёвий таркиблари асосида меъёрий агроомиллар: гектар ҳисобига аниқ ғўза тупи, мақбул суғориш ва маъданли ўғит меъёрларини тўғри белгилаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар юзасидан маълумотлар келтирилган.

Сўнгги йилларда турли тупроқ иқлим шароитларида ҳар бир минтақага мос янги истиқболли ғўза навлар яратилаётганлиги, жумладан Фарғона водийси вилоятлари учун истиқболли ҳисобланиб, ишлаб чиқаришга тавсия қилинган “Андижон-36” ва “Султон” ғўза навларидан юқори ва сифатли ҳосил олишнинг агротехнологик элементлари, яъни асосий факторлар: тупроқ унумдорлиги (навбатлаб экиш), суғориш тартиблари, ўғит меъёрлари ва кўчат қалинликларини ўрганиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш назарий ва амалий жиҳатдан долзарб масалалардан эканлиги келтириб ўтилган.

Диссертациянинг – **«Тадқиқот ўтказиш шароитлари ва услублари»** бобида тадқиқот ўтказилган худуднинг тупроқ иқлим шароитлари, тажриба тизими ва тадқиқот ўтказиш услублари, тажрибада қўлланилган агротехник тадбирлар ҳамда ғўза навларининг биологик тавсифлари келтирилган.

Фарғона вилоятидаги мавжуд суғориладиган майдонлар 511 минг гектар бўлиб, 284 минг гектари (55,6 %) ҳайдаладиган бўз тупроқлар, шундан ўтлоқи соз тупроқлар 14,5 минг гектар. Суғориладиган тупроқларнинг 30 фоизи шўрланмаган, қолган 70 фоизи кам, ўртача ва кучли шўрланган, сизоб сувлари сатҳи 1-3 м. чуқурликда жойлашган.

ПСУЕАИТИ Фарғона илмий тажриба станциясининг М-6 даласидан тупроқ намуналари олиб ўтказилган таҳлилларда, ўтлоқи соз, механик таркиби оғир, кумоқ, кучсиз (сульфатли) шўрланган, сизот сувлари сатҳи 1,6-1,8 м чуқурликда жойлашганлиги, хайдов (0-30 см) қатламидаги чиринди (гумус) миқдори 1,780-1,812 %, умумий азот 0,169-0,180 %, фосфор 0,179-0,180 %, калий 1,500-1,600 %, ҳаракатчан шакллари эса нитратли азот 22,1-24,2 мг/кг, ҳаракатчан фосфор 21,4-26,1 мг/кг, алмашинувчан калий эса 205-320 мг/кг миқдориди таъминланганлиги аниқланган.

Тажриба бошлашдан аввал тажриба ўтказиладиган далалардан конверт усулида тупроқ намуналари тупроқнинг 0-30, 30-50 ва 50-70 см қатламларидан олиниб, умумий чиринди И.В.Тюрин, ялпи азот ва умумий

фосфор А.И.Гриценко ва И.М.Мальцев, калий П.В.Протасов ва ҳаракатчан шакллари эса $N-NO_3$ ионометрик асбобда, P_2O_5 Б.Мачигин, алмашинувчан калий K_2O алангали фотометрда, ғўзани ўсув даврида ҳамда фазалар бўйича юқорида таъкидланган қатламлар бўйича намуналар олиниб $N-NO_3$, P_2O_5 , K_2O миқдорлари кўрсатилган усулларда аниқланган. Ўсимлик намуналаридан умумий NPK миқдорлари А.П.Гриценко, И.М.Мальцева бўйича, тупроқдаги чиринди ўзгариши эса учинчи йил охирида аниқланган. Суғоришдан олдинги тупроқ намлиги қатламлар бўйича термостатда қуритиш орқали, ғўзани ўсиб ривожланиш фазалари бўйича, тупроқни ҳажм массаси цилиндр усулида, шунингдек сув ўтказувчанлиги ва ғовакликлари аниқланган.

Фарғона вилояти Фарғона водийсининг шимолий ва шимолий–ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, майдони 7,1 минг км². Вилоят ҳудуди Қўқон ва Фарғона агроиклим туманларига бўлинади. Фарғона агроиклим тумани шимолдан катта Фарғона канали билан шимолий–ғарб томондан Қирғизистон ва Тожикистон билан чегарадошдир. Фойдали ҳарорат 2500 °С га тенг бўлганлиги учун ҳам бу туманларни иссиқ минтақага киритиш мумкин. Қиши юмшоқ бўлиб, ўртача паст ҳарорати 17–19 °С га тенг. Илик кунлар 200–227 кунни ташкил этади. Ёғингарчилик миқдори йилига ўртача 172–198 мм.га тенг. Ёғин–сочинни кўпчилик қисми қиш ва баҳор ойларига тўғри келади. Ҳавонинг ўртача нисбий намлиги 58-60 фоиз бўлиб, ўсимликларнинг ўсув даврида эса 62–64 фоизгача кўтарилади.

Тажриба бошланган 2008 йилда экинларни етиштириш учун ҳаво ҳарорати иссиқ ва бирмунча қулай келган бўлса, 2009 йилда ҳаво ҳарорати кўп йилликка нисбатан 600 °Сга юқори бўлди. 2010 йилда эса май, июн ойларининг серёғин бўлиши буғдой майдонларига ижобий таъсир қилиб, кўп йилликка нисбатан самарали ҳароратни 150 °Сга кам бўлиши эса ғўза майдонларида кўчати қалин қўйилган ва юқори меъёрларда сув қўйилган далаларда ғўзани бўй бериб, ҳосил шохларини ўсиб кетиш холлари юзага келиб, ҳосилни кечроқ очилишига, натижада учинчи теримдаги ҳосил салмоғининг бир оз ортишига олиб келган.

Тажриба тизими 24 вариантдан иборат бўлиб, 4 қайтариқда олиб борилган. Тажрибада ғўза навларининг қатор оралиғи 90 см (экиш тизими 90x12-1), эни 7,2 м., вариантнинг умумий майдони (100x7,2) 720 м², ҳисобга олиш майдони эса 360 м² ни ташкил қилган.

Тажрибада суғориш меъёрлари Чипполетти сув ўлчагичи ёрдамида ҳисобланган, маъдан ўғитлардан аммиакли селитра, карбомид, суперфос, калий хлор қўлланилган. Чигитларни униб чиқиш динамикаси 11,1 погонометрда ҳисобланган. Кўчат қалинликлари хар йили амал даври бошида яганалашдан кейин, амал даври охирида 4 қайтариқда барча вариантларда ҳисобланиб, кўчат қалинлиги 90-95 минг туп/гани ташкил қилган. Ғўза навларини бўйи, барглар сони, ҳосил шохлари, кўсақлар сони ва очилиши ҳисобга олиб борилган ва бир чаноқдаги очилган пахта вазни хар терим олдидан аниқланган. Ғўза навларининг вилт замбуруғи билан зарарланиш даражаси ўсув даврида июль ойидан бошлаб, хар 10 кунда ташқи кўриниш

орқали, ўсув даврининг охирида эса пояни кесиб кўриш орқали аниқланган. Пахта ҳосили барча вариант ва қайтариқларда теримлар бўйича аниқланиб, толанинг технологик кўрсаткичлари ПСУЕАИТИнинг технологик лабораториясида таҳлил қилинган. Олинган пахта ҳосили маълумотларига Б.А.Доспехов усулида математик ишлов берилиб, ғўза навларига қўлланилган агротехник тадбирларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда “Методика определения экономической эффективности использования в сельском хозяйстве результатов научных исследований” қўлланмасидан фойдаланилган.


Диссертациянинг «Тадқиқот натижалари» деб номланган учинчи бобида тажриба ўтказилган майдонларнинг биринчи йилидан бошлаб қисқа ротацияли алмашлаб (навбатлаб) экиш (1:1) тизимидаги экин майдонларининг бошланғич агрохимёвий ва агрофизик тавсифи уч йил давомида олиб борилган тадқиқотларда кузги буғдой ва такрорий экин соянинг тупроқда қолдирган анғиз ва илдиз қолдиқлари, улар таркибидаги озика моддаларини тупроқнинг агрохимёвий ва агрофизик хоссаларига ижобий таъсири туфайли тупроқ унумдорлигини сақлаб, оширганлиги батафсил ёритилиб, 3 йилда ўртача кузги буғдойдан кейин жами 38,6 ц/га, такрорий экин соядан кейин эса 40,7 ц/га анғиз ва илдиз қолдиқлари қолганлиги аниқланган ёки кузги буғдой ўзидан кейин ўртача 23,6 ц/га азот қолдирса, ундан кейин экилган соя эса 42,6 ц/га, деярли 2 маротаба кўп азот қолдириши аниқланган ҳамда келаси йил экиладиган ғўзани ўсиб ривожланиши ва ҳосилдорлигини ортишига олиб келувчи самарали агротехнологик тадбир эканлиги исботланган.

Қисқа навбатли алмашлаб (навбатлаб) экишда кузги буғдой ва такрорий экин соядан кейинги тупроқ унумдорлигининг таркибий ҳолатлари, экилган ғўза навларининг ўсиб ривожланиши ва ҳосилдорлигига мақбул кўчат қалинлиги, суғориш тадбирлари ва ўғит меъёрлари ғўза навларининг амал даври охирида тупроқдаги умумий чиринди, азот, фосфор ва калий миқдорларини ўзгаришлари таҳлил қилинган. Кузги буғдойдан сўнг ғўза навлари парвариш қилинганда амал даври охирида тупроқдаги чиринди миқдори бир оз бўлсада, дастлабки ҳолатга нисбатан тупроқнинг хайдов (0-30 см) қатламида йилма-йил 0,002; 0,002 ва 0,003 % га камайган. Буғдойдан кейин соя экилиб, кейин ушбу ғўза навлари экилганларига таққосланганда, вариантлар бўйича мос равишда амал даври охирида 0,008; 0,008; 0,010 % га (65-70-60 %) ва 0,009; 0,007; 0,009 % га (70-75-60 %) чиринди миқдорининг юқори кузатилган, шунингдек азот, фосфор ва калий миқдорлари ҳам нисбатан юқорилиги аниқланган. Қолаверса, нисбатан мақбул тупроқ унумдорлигини ғўза навлари кузги буғдойдан кейин экилганда ўғитлар N-200, P₂O₅-140, K₂O-100 кг/га меъёрларда қўлланилганда, соядан кейин экилганда эса N-150, P₂O₅- 105, K₂O-75 кг/га қўлланилиб, Андижон-36 ғўза навида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСни 65-70-60 % да, Султон ғўза навида эса 70-75-60 % бўлганда кузатилган.

Тупроқдаги озика моддаларнинг ҳаракатчан (N-NO₃, P₂O₅, K₂O) шакллариининг миқдорини ўзгариши ҳам умумий шакллари (NPK) ва чиринди

микдорларининг ўзгариши каби кузги буғдойдан сўнг соя экилган вариантларда юқори бўлиб, “Андижон-36” ғўза навига нисбатан “Султон” ғўза нави азот, фосфор ва калийга бир мунча талабчанлиги аниқланган.

Қўлланилган агротехник тадбирлар яъни суғориш тартиблари, ўғит меъёрлари ва тупроққа ишлов беришнинг тупроқни сув физик ҳоссаларига таъсирини ўрганиш натижасида, унинг ҳажм массасини мақбуллашиши ўсимликни яхши ўсиб, ривожланиши учун шароит яратилиб, юқори ва сифатли ҳосил олинишини таъминлаган.




1-расм. Суғориш тартиблари ва ўғит меъёрларининг тупроқни ҳажм массасини ўзгаришига таъсири

Ўза навлари кузги буғдойдан кейин экилганда амал даври охирида маъдан ўғитлари бир хилда: N-200, P₂O₅–140, K₂O-100 кг/га қўлланилиб, (2 ва 14 вар) суғориш тартиби ЧДНС га нисбатан 65-70-60 % қилиб белгиланган вариантларда ҳажм массаси ҳайдов қатламида (0-30 см) 1,372 г/см³ ни ташкил қилган бўлса, ЧДНС га нисбатан 70-75-60 % белгиланганда бу кўрсаткич 1,370 г/см³ га тенг бўлиб, 0,002 г/см³ га камроқ эканлиги аниқланган. Шу қонуният ғўза навлари такрорий экин соядан кейин экилган вариантларда ҳам такрорланган ҳолда, тупроқни ҳажм массаси суғориш тартибларига муносиб равишда 1,345 ва 1,342 г/см³ ни ташкил қилган. Бу кўрсаткичлар кузги буғдойдан кейин экилган вариантларниқидан 0,027 ва 0,028 г/см³ га камроқ бўлганлиги кузатилган.


Тажриба ўтказиш давомида қўлланилган ўғитлар меъёри N-150, P₂O₅–105, K₂O-75 кг/га, N-200, P₂O₅–140, K₂O-100 кг/га ва N-250, P₂O₅–175, K₂O-125 кг/га ортиши билан тупроқни ҳажм массаси бўйича вариантлар орасида деярли фарқ бўлмаганлиги кузатилган. Лекин барча вариантларда бироз бўлсада мақбул ҳажм массаси N-200, P₂O₅–140, K₂O-100 кг/га меъёрда қўлланилганда кузатилган. Ўза навларида N-150, P₂O₅–105, K₂O-75 кг/га меъёрда қўлланилганда амал даври охирида тупроқни ҳайдов қатламидаги ҳажм массаси кузги буғдойдан сўнг экилганда 1,375 г/см³ бўлиб, N-200, P₂O₅–140, K₂O-100 кг/га қўлланилганда бу кўрсаткич 1,372 г/см³ га тенг бўлди, ёки 0,003 г/см³ га камроқ бўлган.

Тупроқ намлиги ЧДНС 70-75-60 % қилиб белгиланган вариантларда тупроқнинг ҳажм массасининг ўзгариши бўйича фарқланишлар суғориш тартиби ЧДНС га нисбатан 65-70-60 % қилиб белгиланган вариантларга нисбатан камроқ бўлганлиги аниқланган.

Республика суғорма деҳқончилигида тупроқларнинг энг муҳим хусусиятларидан бири бу ўсимликларнинг амал давридаги суғориш ва бўладиган ёғингарчилик сувларини сингдириш қобилияти бевосита тупроқнинг сув ўтказувчанлиги, унинг механик таркиби, структураси ва ҳажм массасига боғлиқдир. Ғўзани амал даври охирида суғориш тартиблари ва ўғит меъёрларини сув ўтказувчанлигига таъсири хулоса қилинганда, ўтлоқи соз тупроқлар шароитида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги суғоришни ЧДНС га нисбатан 70-75-60 % белгиланиб, ўғитлар N-150, P₂O₅- 105, K₂O-75 кг/га меъёрларда қўлланилиб, ғўза навлари такрорий экин соядан кейин экилиши кераклиги аниқланган.



2-расм. Кузги бугдой ва такрорий экин сояни амал даври охири ҳамда чигит экиш олдида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги



3-расм Ғўзани амал даври охирида суғориш тартиблари ва ўғит меъёрларининг тупроқ сув ўтказувчанлигига таъсири

Тажрибадаги суғориш тартиби ЧДНС га нисбатан 70-75-60 % қилиб белгиланган вариантларда ғўза амал даврида тупроқдаги намлик 65-70-60 % белгиланганга нисбатан юқорироқ бўлган. Мавсумий суғориш меъёрлари ортиб, 300-500 м³/га га фарқланган.

Тажриба майдонлари ўтлоқи соз, механик таркиби оғир қумоқ, кучсиз шўрланган, сизот сувлари сатхи 1,35-1,57 метр чуқурликда жойлашган. Тажриба ўтказилган йиллар давомида майдоннинг 5 нуқтасидан конверт усулда сизот сувигача тупроқ (0-150 см) қатламлари бўйича намуналар олиниб, тупроқ шўрланиши таҳлил қилиб борилган ва таҳлил натижаларида қўлланилган ўғит меъёрлари ва суғориш тартиблари тупроқ шўрланишига таъсири кам бўлган. Бироқ об-ҳаво иссиқ ва қуруқ келган 2009 йилда тупроқнинг ҳайдов (0-30 см) қатламида хлор ва қуруқ қолдиқ сезиларли ошиб, намгарчилик кўп бўлган 2008, 2010 йилларга нисбатан тупроқнинг бир оз шўрланишини юзага келтирган. Тажриба майдонларидаги сизот сув сатхи чуқурлигининг тебраниши 22,8 см бўлиши ғўзанинг агротехник элементларининг ўз вақтида мақбул муддатларда ўтказишга шароит яратиб, сифатли ва юқори ҳосил олишни таъминлаган.

Пахтачиликни ривожлантиришдаги агротехнология элементларининг асослари ҳисобланган суғориш тартиблари ва ўғит меъёрларининг меъёрий кўчат қалинлигида ғўза навларининг ўсиш, ривожланиш ва ҳосилдорлигига таъсири, аввало ғўза ниҳолларини униб чиқишига бевосита боғлиқ. Ўтлоқи соз тупроқлар шароитида ғўзанинг “Андижон-36” ва “Султон” навлари ниҳолларининг униб чиқиш даражалари аввало навларнинг биологик хусусиятларига ва тупроқ унумдорлигига боғлиқ бўлиб, хар иккала навни ниҳоллари кузги буғдойдан кейин соя экилган вариантларда юқори бўлган. Навнинг биологик хусусиятлари нуқтаи назаридан ғўзанинг “Султон” нави “Андижон-36” навининг ниҳолларини униб чиқиш даражасидан 0,3-1,1 фоизга пастроқ эканлиги аниқланган. Ғўза навларининг ўсиши, ривожланишида ҳам ғўзанинг “Султон” нави “Андижон-36” навига қараганда ниҳолларни униш даражаси пастроқ бўлганлиги каби ўсиш, ривожланиш ва кўсакларини очилиши ҳам бироз (11,2 %) бўлсада пастроқ бўлганлиги, бундай ҳолат якуний ғўза навларининг қуруқ масса тўплашида ҳам кузатилган.

Тажрибада Султон ғўза навида бир кўсакдаги пахтасининг нисбатан юқори вазни кузги буғдойдан кейин экилганда суғориш тартиби ЧДНС га нисбатан 70-75-60 %, ўғитлар N-200, P₂O₅-140, K₂O-100 кг/га меъёрида қўлланилганда олинган бўлса, такрорий экин соядан кейин экилганда эса шу суғориш тартибида, лекин ўғитлар N-150, P₂O₅-105, K₂O-75 кг/га меъёрларда қўлланилганда олинган ва мутаносиб равишда 3 йилда ўртача 4,2 ва 4,2 граммни ташкил қилган ҳолда, Андижон-36 ғўза навининг мақбул кўрсаткичларидан 0,1-0,1 граммга камроқ бўлган.

Ғўзани Андижон-36 нави кузги буғдойдан кейин экилганда нисбатан юқори пахта ҳосили 3 йилда ўртача 40,5 ц/га ни ташкил қилиб, бу кўрсаткич суғориш тартиби ЧДНСга нисбатан 65-70-60 %, ўғитлар N-200, P₂O₅-140, K₂O-100 кг/га меъёрларда қўлланилганда олинган, такрорий экин соядан

кейин экилган вариантларда суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 65-70-60 % бўлган вариантларда (7-9) ўғит меъёрларига мутаносиб равишда пахта ҳосили 3 йилда ўртача 43,5; 43,0 ва 42,8 ц/гани ташкил қилган. Бу вариантларда суғориш тартиблари ҳисобига 3,2; 4,0 ва 3,7 ц/га, такрорий экин ҳисобига 5,4; 2,5 ва 3,0 ц/га қўшимча пахта ҳосили олинган.

1-жадвал

Суғориш тартиблари ва ўғит меъёрларининг экин турларига боғлиқ ҳолда ғўза навларнинг ҳосилдорлигига таъсири, (ц/га)

Вариант тартиби	Суғориш тартиблари ЧДНС га нисбатан, %	Маъдан ўғитларни йиллик меъёрлари, кг/га			Йиллар			3 йилда ўртача	Қўшимчалари		
		N	P ₂ O ₅	K ₂ O	2008	2009	2010		Сувдан	Ўғитдан	Такрорий экиндан
Андижон-36 ғўза нави											
Кузги бугдойдан кейин											
1	65-70-60	150	105	75	38,3	39,1	37,6	38,1	1,9	–	–
2		200	140	100	41,2	41,5	38,8	40,5	3,0	2,4	–
3		250	175	125	39,1	40,0	38,2	39,8	1,9	1,7	–
4	70-75-60	150	105	75	37,1	38,1	36,5	37,2	–	–	–
5		200	140	100	38,4	39,0	35,1	37,5	–	0,3	–
6		250	175	125	37,5	38,2	36,8	37,9	–	0,7	–
Такрорий экин – соядан кейин											
7	65-70-60	150	105	75	43,5	44,6	42,4	43,5	3,2	–	5,4
8		200	140	100	43,2	43,8	42,6	43,0	4,0	–	2,5
9		250	175	125	42,1	43,1	41,2	42,8	3,7	–	3,0
10	70-75-60	150	105	75	40,1	42,0	39,0	40,3	–	–	3,1
11		200	140	100	39,4	40,0	38,2	39,0	–	–	1,5
12		250	175	125	39,1	40,1	38,1	39,1	–	–	1,2
Султон ғўза нави											
Кузги бугдойдан кейин											
13	65-70-60	150	105	75	35,7	36,7	34,7	35,8	–	–	–
14		200	140	100	36,2	37,1	35,3	37,3	–	1,5	–
15		250	175	125	36,1	37,2	35,0	37,0	–	1,2	–
16	70-75-60	150	105	75	36,4	36,8	36,0	36,5	0,7	–	–
17		200	140	100	39,5	40,1	38,9	39,2	1,9	2,7	–
18		250	175	125	39,0	40,0	38,0	39,0	2,0	2,5	–
Такрорий экин – соядан кейин											
19	65-70-60	150	105	75	40,0	40,8	38,2	39,1	–	–	3,3
20		200	140	100	40,1	41,2	39,1	38,2	–	–	0,9
21		250	175	125	40,0	41,0	39,0	38,0	–	–	1,0
22	70-75-60	150	105	75	42,2	43,2	41,2	42,0	2,9	–	5,5
23		200	140	100	41,1	42,0	40,3	41,0	2,8	–	1,8
24		250	175	125	40,2	41,3	39,2	40,8	2,2	–	1,8
Андижон-36 ғўза навида						Султон ғўза навида					
2008 йил НСР ₀₅ = 1,40 ц/га НСР = 3,50 %						2008 йил НСР ₀₅ = 1,67 ц/га НСР = 4,30 %					
2009 йил НСР ₀₅ = 1,93 ц/га НСР = 4,74 %						2009 йил НСР ₀₅ = 1,38 ц/га НСР = 3,48 %					
2010 йил НСР ₀₅ = 1,52 ц/га НСР = 3,92 %						2010 йил НСР ₀₅ = 1,69 ц/га НСР = 4,45 %					

Андижон-36 ғўза нави кузги бугдойдан кейин экилганда мақбул озикланиш тартиблари N-200, P₂O₅–140, K₂O-100 кг/га бўлса, соядан кейин экилганда эса N-150, P₂O₅–105, K₂O-75 кг/га бўлиб, бу сояни ўзидан кейин биологик азот қолдириш ҳисобига, қўлланилган техник азот меъёрини 50 кг/га иқтисод қилиш мумкинлигини кўрсатади. Ҳар иккала фонда ҳам бу ғўза нави учун суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 65-70-60 % бўлиши мақбул эканлиги кузатилган.

Ѓўзанинг Султон нави учун кузги буғдойдан кейин экилганда мақбул суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 70-75-60 %, ўғит меъёрлари эса N-200, P₂O₅-140, K₂O-100 кг/га эканлиги аниқланган бўлиб, бу навнинг ҳосилдорлиги барча вариантларда Андижон-36 ғўза навига нисбатан гектарига 1,2 – 2,0 центнерга камроқ бўлиб, такрорий экин соядан кейин экилганда эса N-150, P₂O₅-105, K₂O-75 кг/га бўлиб, ўғитлар меъёрларига мутаносиб равишда пахта ҳосиллари 42,0; 41,0 ва 40,8 ц/га ни ташкил қилган. Суғориш ҳисобига 2,9; 2,8 ва 2,8 ц/га, такрорий экин ҳисобига 5,5; 1,8 ва 1,8 ц/га юқори ҳосил олинган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Фарғона вилоятининг кучсиз шўрланган ўтлоқи соз тупроқлари шароитида ўрта толали ғўзанинг Андижон-36 навидан юқори пахта ҳосили олиш учун такрорий экин соядан кейин экилиб, суғориш тартиблари ЧДНС га нисбатан 65-70-60 % бўлиши ва ўғитлар N-150, P₂O₅-105, K₂O-75 кг/га меъёрларда қўлланилиши, Султон нави учун ҳам соядан кейин экилиб, суғориш тартиблари ЧДНС га нисбатан 70-75-60 % бўлиши ва ўғитлар N-150, P₂O₅-105, K₂O-75 кг/га меъёрларда қўлланилиши кераклиги аниқланган. Олинган илмий маълумотлар замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ресурс тежовчи технологиялар сифатида такрорий экин соя ҳисобига тупроқ унумдорлигини яхшиланиши ва қўлланиладиган техник азот меъёрини 50 кг/га камайтиришга эришилган.

